

**IQTISODIYOT FANLARI / ECONOMIC SCIENCES**

УДК 378.1

**МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ВА  
УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

<sup>1</sup>Муқимов Зариф Мажлисевич - и.ф.н., доцент; <sup>1</sup>Кучаров Жаҳонгир Овлаёрович - и.ф.ф.д (Phd), доцент.

<sup>1</sup> “ТИҚХММИ” МТУ нинг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти. Қарши ш., Ўзбекистон.

*Аннотация.* Мақолада республикада аграр тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион усулларнинг жорий этилиши ва уни молиялаштиришнинг самарали механизмлари хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, кадрлар тайёрлаш, малакали кадр, замонавий ўқитиш усуллари, марказ, молиялаштириш, ақлли қишлоқ хўжалиги

*Abstract:* The article discusses the introduction of innovative methods in the system of training qualified personnel for the agricultural sector in our republic and effective mechanisms of its financing.

**Key words:** agriculture, training, qualified staff, modern teaching methods, center, financing, smart agriculture

Сўнгги йилларда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва ихтисослаштириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда соҳада чуқур мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўналишларида мақсадли ва манзилли қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилган ислохотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида кадрлар етказиб бериш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид аграр соҳада илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 788-сон қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият олиб бораётган олий таълим тизимини диверсификациялаш, унинг устувор йўналишларини белгилаш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатга эга бўлган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида жуда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Юқоридаги қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида сўнгги йилларда аграр соҳага малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида бир қанча замонавий таълим шакллари ва усуллари кириб келмоқда. Хусусан:

- кишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, «ақлли кишлоқ хўжалиги» (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;
  - таълимнинг кредит тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
  - 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинган иқтидорли талабалар учун таълимнинг алоҳида дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этиш;
  - кишлоқ хўжалиги соҳасидаги магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини январь ойидан бошлаш;
  - техникумларни битирганлар учун бакалавриятнинг 3 йиллик махсус таълим дастурларини жорий этиш;
  - олий таълимнинг бакалавриат йўналишлари билан интеграциялашган кичик бакалаврлар (Associate degree) тайёрлаш бўйича таълим дастурларини амалиётга жорий этиш;
  - кичик бакалавр (Associate degree) таълим дастурларини тамомлаганлар учун мос бакалавриат таълим йўналишларида кириш синовларисиз суҳбат ўтказиш орқали бакалаврлар тайёрлашнинг махсус уч йиллик дастури бўйича ва ўқиш тугаганидан сўнг тақсимоатта мувофиқ уч йил давомида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олган ҳолда Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлиши;
  - агробиология факультетини Тошкент давлат аграр университети таркибида мустақил фаолият юритадиган юридик шахс сифатида ташкил этиш;
  - замонавий корпоратив бошқариш усулларини, хусусан «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш, «GMS» ишлаб чиқаришни бошқариш ва «BIQ» сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш;
  - 3-босқич талабалари орасидан саралаб олинган талабалар учун цитрус, субтропик ва тропик ўсимликларни етиштириш технологиялари бўйича зарурий билим ва малакага эга бўлган мутахассислар тайёрловчи махсус гуруҳларни ташкил этиш;
  - ободонлаштириш бошқармалари ва бошқа тегишли ташкилотлар учун дарахтларни парвариш қилиш бўйича мутахассислар (арбористлар) тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;
  - ўқув ва бошқарув жараёнини ташкил ва назорат қилишда ахборот тизимларини жорий қилиш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун масофавий ўқитиш шаклини татбиқ этиш орқали қулай шарт-шароитлар яратиш;
  - кишлоқ хўжалиги соҳасида кўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш;
  - кишлоқ хўжалиги соҳаси учун магистратура мутахассисларини ўқитиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгилаш каби янги усул ва воситалар жорий этилмоқда.
- Аммо кишлоқ хўжалиги тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, бозор талабларига мос мулкчилик муносабатларини қарор топтириш, хўжаликлараро кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, соҳани рақамлаштириш ва ИТ технологияларга асосланган ақлли кишлоқ хўжалигини ташкил этиш каби галдаги вазифалар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини сифат жиҳатдан тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шунингдек, бугунги глобаллашув даври талабларидан келиб чиқиб соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, ресурстежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар талабаларни ўқитиш фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган методик ўқув қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, кишлоқ хўжалиги ОТМ нинг ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги боис талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги оқибатида уларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар юзага келмоқда.
- Аграр соҳада мутахассислар тайёрлаш бўйича талаб ва тақлиф чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида меҳнат бозорида бўшлиқ юзага келиб, соҳага инновацион ва

ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш йўналишларда олий маълумотли малакали кадрларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ундан ташқари, ОТМдаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш, уларнинг касбий устунлиги ва маҳоратини таъминлашда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмаётганлиги натижасида талаба ва ўқитувчи ўртасидаги узилишлар пайдо бўлмоқда. Натижада илмий ва илмий-педагог кадрларни меҳнат бозори талабларига мос тайёрлаш ва илмий изланишларни долзарб амалий муаммолар ечимларига қаратиш борасидаги камчиликлар илмий фаолиятнинг замонавийлик ва натижадорлик даражасини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини бевосита соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан талаб даражасида боғланмаганлиги, қолаверса ушбу жараён якунида талабалар фақат тегишли ҳужжатларни олишга интилишлари ҳам маълум маънода битирувчиларнинг етарли амалий кўникмаларга эга бўлишларида тўсиқ бўлмоқда. Камчиликлардан яна бири бу корхона ва ташкилотларда амалиёт ўташга келган талабаларга масъул ходим бириктирилмаслиги, унинг мажбурияти белгиланмаганлиги натижасида ҳам талабаларнинг амалий билим ва тажрибаларини ошириш имконияти чекланмоқда. Қолаверса, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва техникумларда таҳсил олаётган қишлоқ ёшлари ўртасида аниқ касб ва мутахассисликка йўналтириш тадбирлари тизимли ташкил этилмаганлиги оқибатида уларнинг орасидан иқтидорли ёшларни қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларига саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас.

Тадқиқотлар кўрсатишича, узоқ йиллар давомида олимлар томонидан амалга оширилган изланишлар эвазига эришилган самарали илмий-тадқиқот натижаларини қишлоқ хўжалиги соҳаси ва унинг тармоқларига кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий тадқиқотчиларни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш ишларини тизимли ташкил этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш муаммолари етарли даражада ўз ечимини топмай келмоқда. Шунингдек, ОТМ ўқув режаларида ихтисосликка мос келмайдиган номутахассислик фанлари улуши юқориликча қолмоқда. Ҳозирги пайтда кластер ва кооператив, замонавий иссиқхоналар, интенсив ресурстежамкор технологияларга эга бўлган субъектлар, замонавий чорвачилик комплекслари каби буюртмачилар билан ўзаро ҳамкорликда мақсадли кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар ҳам замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Шу сабабдан ҳам, бизнингча, аграр таълим тизимига замонавий шакл ва усулларни жорий этишдан олдин уни синаш, мамлакатимиз меҳнат бозори ва узоқ йиллик деҳқончилик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда амалиётда ўз ўрнини топиши учун барча таъсир этувчи омилларни, моддий-техник имкониятларни ва билим даражаларини инобатга олган ҳолда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун эса дастлаб малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий шакллари синаш ва жорий этишни тадқиқ этадиган, тайёрланаётган кадрларнинг амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлайдиган ҳамда ишлаб чиқарувчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш усул ва воситаларини такомиллаштириб боришни ўзида мужассам этган тузилмага зарурият сезилмоқда. Бундай тузилмани ташкил этиш ва бошқариш ўзида бир нечта босқичларни қамраб олиши лозим бўлиб, аввало мазкур босқичларни тўғри, кетма кетликда ишлаб чиқиш ва кейин комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Шу боисдан, бизнинг таклифимизга кўра, “Қишлоқ хўжалигида замонавий таълим шакллари синаш ва жорий этиш маркази”ни ташкил этиш ва унинг ҳудудлардаги фаолият йўналишларини кенгайтириш зарур (1-расм).

Мазкур марказ турли қишлоқ хўжалиги йўналишларида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари, агрокластерлар, кооперативлар, агрофирмалар ва тадбиркорлик

субъектлари билан ҳамкорликда аграр олий таълим муассасалари ҳамда турдош маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари, хусусий таълим даргоҳларида жорий этилаётган замонавий таълим шакллари ва усуллари синаш ва жорий этиш билан шуғулланади.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида замонавий таълим шакллари синаш ва жорий этиш маркази

Биз таклиф этаётган марказда асосий эътибор рақамли иқтисодиёт ривожланаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини энг юқори даражада автоматлаштириш, иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион технологияларни жорий этиш орқали ақлли қишлоқ хўжалигини ташкил этиш каби масалаларни субъектлар интеграцияси асосида комплекс тарзда ҳал этиш имкониятлари вужудга келади.

Марказ фаолияти давлат бюджети маблағлари, турли халқаро грантлар, ҳомийлик, донорлар, турли жамғармалар маблағлари, имтиёзли ва мақсадли банк кредитлари ҳамда ўқиш учун тушадиган маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади. Ундан ташқари марказни молиялаштиришда бевосита шу замонавий шакл ва янги усуллари жорий этган ОТМлар маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштириш мақсадга мувофиқ ва бунинг учун қийидаги ҳисоблаш усули таклиф этилади, яъни:

$$MM = Tc * TKM * K$$

Бунда, MM – марказни молиялаштириш миқдори, млн.сўм;

Tc – марказда замонавий таълим шаклини ўрганиш мақсадида жалб этилган талабалар сони, нафар;

TKM – таълим муассасасига қабул қилинган талабаларнинг асосий тўлов шартнома миқдори, млн сўм.;

K - марказда ўқиш муддатини ҳисобга олувчи ва мувофиқлаштирувчи коэффициент, яъни, ўқув йилининг жами кунларига нисбатан 2 семестр ўқиш кунларини ифодалайди ва у 0,4 га тенг деб қабул қилинган.

Ундан ташқари мазкур замонавий таълим шаклидан манфаатдор бўлган ишлаб чиқарувлар ташаббуси ва уларнинг кадрларга бўлган талаби жорий этилган ҳолатда марказга

аграр тадбиркорларнинг молиявий маблағларини ҳам жалб этиш мумкин ва бу ҳолатда куйидаги формула таклиф этилади:

$$MM = Xc * Ixa * Kiу$$

Бунда, MM – тадбиркорнинг марказни молиялаштиришга йўналтирган молия маблағи миқдори, млн.сўм;

Tс – марказда замонавий таълим шаклини ўрганган ва корхонага ишга қабул қилинган малакали ходимлар сони, нафар;

Ixa – ходимларга ҳисобланган ойлик иш ҳақи асосида иш ҳақи фондига ажратмалар миқдори, млн сўм;

Kиу – корхонага ишга қабул қилинган ходимларнинг лавозими бўйича тўғриловчи коэффицент. Агар ходим марказий бошқарув аппаратида тегишли касб бўйича лавозимга қабул қилинган бўлса бу коэффицент 10 га ёки ёрдамчи ходим лавозимига қабул қилинган бўлса – 5 та тенг.

Умуман, қишлоқ хўжалигига жорий этилаётган замонавий бошқарув шакллари ва инновацион техника-технологияларни ишлатиш имкониятига эга иқтидорли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш масаласи долзарблашиб бораётган бугунги шароитда мазкур марказнинг ташкил этилиши натижасида куйидаги ижобий натижаларга эришиш имкониятлари яратилади. Жумладан:

- қишлоқ хўжалиги тармоғи учун талаб этилаётган малакали кадрлар тайёрлашда хусусий секторни кенг жорий этган ҳолда билим, малака ва кўникмаларнинг самарали алмашинуви таъминланади;

- қишлоқ хўжалиги тармоғининг малакали кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжини инобатга олган ҳолда касбий тайёргарликка эга кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга эришилади;

- ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитларига мос равишда корхоналар ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва диверсификациялаш, узоқ муддатли истиқбол ривожланиш тенденциялари ҳамда инсон капитали бозори талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоғида кадрларга бўлган эҳтиёж аниқланади;

- “ақлли қишлоқ хўжалиги» тизимини шакллантиришда муҳим бўлган замонавий рақамли инновацион технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш орқали ўз фаолиятини самарали ташкил эта оладиган малакаси раҳбар-мутахассис кадрлар тайёрланади;

- қишлоқ хўжалиги тармоғида малакали кадрлар тайёрлашда таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг чуқур интеграцияси таъминланади;

Хулоса қилиб айтганда, бугунги иқтисодиётни диверсификациялаш ва рақамлаштириш, ақлли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инновацион илмий ишланма ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш, экологик тоза органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш каби устувор вазифаларни самарали ҳал этишда тадқиқот ишида таклиф этилган марказ янги йўналишлар ва мулкчилик шаклларига мос малакали кадрларни бевосита мамлакатимиз шароитида тайёрлаш имкониятини ярата олади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис йиғилишига Мурожаатномаси”. // <http://o'z/ politics/zbekiston-respublikasi -president -shovkat -mirziyoev -oliy-25-01-2020>).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 6079 - сонли Фармони.
3. Ғулумов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари.-Т., 2019.
4. Абдуллаев О.М. Рақамли иқтисодиёт. -Т., 2020.
5. [www. lex.uz](http://www.lex.uz)